O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 20-fevral • Seshanba • 22 (27.667) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

❖ 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

НУРОНИЙЛАР САНАТОРИЙДА

«Нуроний» жамғармаси Фарғона туман бўлими ҳар йили бир гуруҳ фахрийларни Шоҳимардондаги юқори нафас йўлларини даволовчи санаторийга дам олиш учун жўнатишни йўлга қўйган. Ўтган йили бирданига 48 киши сиҳатгоҳда ўз соғликларини бепул тиклаш имкониятига эга бўлганди.

— «Ижтимоий ҳимоя йили»да бундай ишларимиз кўлами янада кенгаяди, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Топволди Холдоров. — Санаторий маъмурияти билан келишиб, йил бошида бир гуруҳ кексаларимизнинг сиҳатгоҳда дам олишини ташкиллаштиришга аҳд қилдик. Туман ҳокимлиги бу ташаббусни қўллаб-қувватламоқда. Ҳомийлар ҳисобидан мазкур хайрли тадбирга 4,8 миллион сўм маблағ ажратилди.

Яқинда 82 нафар қария санаторийга жўнаб кетди. Айни пайтда сиҳатгоҳда Маҳмуджон Ортиқов, Машрабжон Отақулов, Самадилло ҳожи Йўлдошев, Алижон Қўчқоров, Маликахон Мамараҳимова, Карроматхон Нишонбоева сингари қарияларимиз ўз саломатликларини тиклашмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан

ҚАДИМ ШАҲАР ЯШАРМОҚДА, ЯШНАМОҚДА

Кўҳна ва навқирон Марғилон шаҳрининг икки минг йиллиги тантаналари тобора яқинлашмоқда. Айни кунларда бу ерда катта тўйга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Шаҳар марказида замонавий савдо мажмуи барпо этилмоқда. Юбилей иншоотлари ичида шаҳардаги Пирсиддиқ мажмуаси, Улуғмозор зиёратгоҳи, Жаҳон отин Увайсий мақбараси ва музейи, Саид Аҳмад Хожа Эшон кўчасида жойлашган мадраса кўркам қиёфа касб этмоқда. Ўзига хос кўриниш ва қулайликларга эга бўлган «Ёшлар хиёбони» қурилишида ҳомий ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Мазкур хиёбон ҳудудида миллий услубдаги чойхона ҳам барпо этиляпти.

Шунингдек, Мустақиллик, Туркистон, Бурҳониддин Марғиноний, ал-Фарғоний, Янги Фарғона, Янгиҳаёт, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий кўчаларини замонавий талаблар даражасида ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етмоқда.



Суратларда: *бунёдкорлар Қодиржон Ҳожиматов ва Алихон Ўтанов; Бурҳониддин Марғиноний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Ёшлар хиёбони» қурилиши; «Пирсиддиқ» мажмуи қурилишидан лавҳа; Марғилон деҳқон бозори қурилиши.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

2007 ЙИЛ: ҳаётий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа ва йўналишлар

◆ Солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш ва солиқ органлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади. Даромад солиғи ставкаларини 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 13 фоиздан 10 фоизга, шунингдек, ягона ижтимоий тўлов ставкасини 24 фоизгача камайтириш режалаштирилмоқда.

◆ Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий дастурига мувофиқ бу йил ҳам қишлоқ жойларда 60 мингга яқин кам таъминланган оилаларга чорва моллари, биринчи галда соғин сигирлар бепул берилиши режалаштирилмоқда.

◆ 2007 йилда жанубий йўналишда — янги Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли бўйлаб поездлар қатновини йўлга қўйиш кўзда кутилмоқда.

◆ Барчамизга маълумки, 2007 йил учун Инвестиция дастури тасдиқланди. Бу дастурда реал иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари ва ижтимоий соҳада йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, қиймати 3 миллиард 950 миллион АҚШ долларига тенг бўлган инвестиция маблағлари ўзлаштирилади.

◆ 2007 йилда алоҳида эътибор талаб қиладиган яна бир устувор вазифа — бу иш ҳақи миқдори ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб боришни таъминлашдан иборат.

◆ Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожи учун мустаҳкам ва барқарор пойдевор яратилгани ҳамда шаклланиб бораётган тенденцияларни инобатга олган ҳолда, биз ўз олдимизга 2007 йилда ўртача иш ҳақини камида учдан бир миқдорда, 2010 йилга бориб эса, яъни яқин уч йил давомида уни 2,5 баробар ошириш вазифасини қўймоқдамиз.

❖ Муносабат

«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАН ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устуворликларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасини дунё оммавий ахборот воситалари ана шундай шарҳламоқда. Эълон қилинаётган репортаж, хабар ва таҳлилий мақолаларда Ўзбекистон етакчиси ўз чиқишида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган жараёнларни ҳар томонлама таҳлил этибгина қолмасдан, ечимини кутаётган энг долзарб масалаларни ҳамда иқтисодий тараққиёт йўналишларини белгилаб бергани қайд этилади.

Хитойдаги «Жэньмин Жибао» газетаси 2006 йили Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланганига эътибор қаратади. «Мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши 6,2 фоизга, пулли хизматлар 19,3 фоизга, шартнома асосидаги қурилиш ишлари ҳажми 12,8 фоизга ошди. Ўтган давр мобайнида мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг ҳажм ва қўламлари кенгайди. Товар маҳсулотлари экспорти 31,5 фоизга ошиб, ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо қарийб 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2006 йилда 570 мингта иш ўрни яратилди, аҳолининг иш ҳақи 36 фоизга ошган», деб ёзади нашр.

2-бет

ШАҲАРЧА ОБОД БЎЛМОҚДА

Устюрт кенгликлари бағрида бунёд этилган Қўнғирот сода заводи мамлакатимиз саноати ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Корхона қошида барпо этилган «Элобод» шаҳарчаси эса кун сайин чирой очиб, обод бўлиб бораётир.

Бу ерда асосан завод қурилишида қатнашган бунёдкорлар ҳамда корхона ишчи-хизматчилари истиқомат қилади.

— Шаҳарчада 20 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшамоқда, — дейди шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Абдирейим Азиров. — Уларнинг ҳар бири мазкур йирик корхона ривожига, шу орқали мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшаётир.

Шаҳарчада аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, самарали меҳнат қилиши ва мазмунли ҳордиқ чиқариши учун етарли шарт-шароит яратилмоқда. Айни пайтда бу ерда эмлаш-профилактика маркази, алоқа бўлими, банк, валюта алмаштириш шохобчаси, замонавий мактаб ва болалар боғчаси, 300 томошабинга мўлжалланган Маданият саройи, дўконлар, новвойхона, ошхона ва суратхона ишлаб турибди. Ҳунармандчилик цехи, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам эл хизматида.

А. ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 20 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	979,66	1 Польша злотийси	419,72
1 Англия фунт стерлинги	2429,01	1 СДР	1865,93
1 Дания кронаси	219,52	1 Туркия лираси	897,67
1 БАА дирхами	338,66	1 Швейцария франки	1008,14
1 АҚШ доллари	1243,54	1 ЕВРО	1635,75
1 Миср фунти	218,55	10 Жанубий Корея вони	13,28
1 Исландия кронаси	18,62	10 Япония иенаси	104,10
1 Канада доллари	1068,52	1 Россия рубли	47,40
1 Хитой юани	160,46	1 Украина гривнаси	246,25
1 Малайзия ринггити	356,11		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда дастлаб сиёсий партияларнинг 2006 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботлари муҳокама қилинди. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов маъруза қилди.

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунга асосан мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг устав фаолияти давлат томонидан молиялаштирилмоқда. Маълумки, сиёсий партиялар сайлов якуни бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фракция тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини олган бўлса, ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини амалга ошириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўтган йили ҳам сиёсий партиялар қонунда белгиланган тартибда молиялаштирилди. Сиёсий партияларнинг маблағ билан таъминланиши уларнинг имкониятларини янада кенгайтириб, фаолиятларининг жонланишига туртки бўлди.

Мазкур Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, сиёсий партиялар ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қилиши ва ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этишлари лозим.

Сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун тақдим этилган ҳисоботлар ҳамда ҳисобот йилида сиёсий партияларнинг ҳисоб-китоб варақларига келиб тушган ва сарфланган давлат маблағлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг хулосалари фракция аъзолари томонидан ўрганиб чиқилди.

Йиғилишда таъкидландики, сиёсий партиялар давлат маблағларининг мақсадли сарфланишига жиддий эътибор қаратмоқдалар. Харажатларнинг асосий қисми партия ижроия аппаратларини сақлаш, турли ижтимоий-сиёсий тадбирларни ўтказиш, партия фаоллари ўқувларини ташкил қилишга сарфланди.

Фракция йиғилишида шунингдек, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг айрим моддаларини амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Мазкур масала бўйича Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Анатолий Козлов тушунтириш берди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

ШИФОБАХШ БУЛОҚ СУВИ

Навоий кон-металлургия комбинатининг Жанубий кон бошқармаси ҳузурида «Боржоми» суви ишлаб чиқарадиган кичик корхона иш бошлади. Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги «Нагорная» сиҳатгоҳи ҳудудида жойлашган булоқлардан олинаётган ушбу сув шифобахшлиги билан ажралиб туради.

Мутахассисларнинг фикрича, иссиқ ҳолатда ер қаъридан чиқаётган бу сув хлорид-сульфид-натрий моддаларига бой бўлиб, ошқозон-ичак касалликларини даволашда яхши самара беради. Маъданли сувни қайта ишлаш ва қадоқлаш корхонаси ана шу булоқларнинг яқинида барпо этилди. Бу ерда кунига ўн тоннагача ичимлик суви замонавий хориж технологияси ёрдамида қайта ишланиб, бежирим полиэтилен идишларга қадоқланмоқда.

Корхонада келгусида фақатгина ички бозорга эмас, экспортга ҳам маҳсулот чиқариш режалаштирилмоқда.

Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири

ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Шофиркон туманида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Чандир қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги касб-ҳунар коллежи қурилиши бошланди.

— Туманимиздаги шароитни ўрганиб чиқиб, бу ишга киришдик, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдурахмон Шарипов. — Сабаби, туманда енгил саноатни ривожлантиришга йўналтирилган омиллар бисёр. Бунинг устига бизда миллий ҳунармандчилик, каштачилик, зардўзлик билан шуғулланаётган оилалар жуда кўп. Шу йўналишларда фаолият кўрсатаётган ёшларни мазкур коллежга жалб этмоқчимиз.

Айни пайтда, 540 ўринли касб-ҳунар коллежи биносини 2-«Бухорожамоақурилиш» уюшмасининг «47-ХКМК» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари сифатли қилиб бунёд этмоқда. Янги коллеж шу йилнинг биринчи сентябрида ўқувчиларни ўз бағрига олади.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАН ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президент И.А.Каримовнинг мазкур маърузасига бағишланган ахборотлар **Россиянинг «ИТАР-ТАСС» ва «Интерфакс» ахборот агентликлари** каналлари орқали ҳам ёритилди. Тарқатилган материалларда диққат-эътибор Ўзбекистон Президентининг республикадаги ялпи ички маҳсулот ўсишининг юқори суръатлари анъанавий хомашё тармоғи эвазига эмас, балки рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига таъминлангани ҳақидаги сўзларига қаратилган. «ИТАР-ТАСС» давлатимиз раҳбарининг «2006 йили иқтисодиётнинг ўсиши 2000 йилга нисбатан таққослама баҳоларда 45 фоизни ташкил этди. Бунда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 22,1 фоизга, хизматларнинг улуши эса 39,5 фоизга етган», деган сўзларини келтиради.

«Интерфакс» «Ўзбекистон ҳукумати иш ҳақини ошириш, хусусий мулк ҳимояси ҳамда сармоялар жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш ниятида» сарлавҳали хабарида қайд қилишича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2007 йилнинг биринчи даражали вазифалари орасида иқтисодиёт ўсишининг изчил суръатларини таъминлашни, тизимли ўзгариш ва модернизациялашни рўёбга чиқариш, собиқ сиёсати либераллаштирилиши давом эттирилишини белгилаб берди. «Ислом Каримов 2007 йил бюджети параметрларини парламент тасдиқлагани, у жорий йилда ялпи ички маҳсулотни 7,7 фоизга, саноат ишлаб чиқаришини – 7,8 фоизга, қишлоқ хўжалигини – 5 фоизга ошириш режалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилганини эслатди. Иқтисодиёт тармоқлари ривожлантирилишига жалб этиладиган сармоялар ҳажмини 25,5 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда, қатъий пул-кредит сиёсати шароитида пул қадрсизланиши даражаси эса 5–7 фоиздан ошмаслиги керак», деб ёзади Россия ахборот агентлиги.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг маърузасини шарҳлар экан, **Британиянинг Би-би-си агентлиги** 2006 йили Ўзбекистонда таълим тизимини такомиллаштиришда сезиларли натижаларга эришилганини қайд этди. Бунда у жорий йили республикада мазкур жабҳани янада яхшилашга йўналтирилган қатор лойиҳаларни рўёбга чиқариш кўзда тутилаётганига эътибор қаратади. Мамлакат ижтимоий сиёсатидаги бу йўналишнинг муҳимлигини таъкидлар экан, Би-би-си мамлакат раҳбарининг «маърифатли ёш авлод — Ўзбекистоннинг энг катта бойлигидир» деган сўзларини келтиради.

Осиё-Тинч океани ахборот агентликлари ташкилоти Президент И.А.Каримов маърузасига бағишланган ўз ахборотида Ўзбекистонда фермерчилик тараққиёти мавзусига алоҳида эътибор қаратган. «Республикада фермерлик ҳаракати ўсувчан суръат билан ривожланиб бормоқда, деб ёзади агентлик. Унга салкам 190 минг хўжаликдаги 1,4 миллион нафар киши жалб этилган. Агар 2000 йилда мамлакатда етиштирилган пахта хомашёсининг 21 фоизи ўзбекистонлик фермерлар ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 86 фоизга етди. Ғалла етиштиришда уларнинг улуши 15 фоиздан 75 фоизга етди».

Нуфузли **«Global Insight» таҳлил компанияси** Президент Ислом Каримов 2006 йилнинг якунлари билан бир қаторда 2007 йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларини ҳам белгилаб берганига эътибор қаратади: «Мамлакат раҳбари, жумладан, ялпи ички маҳсулотнинг жадал ўсишини таъминлаш, иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқарувчи соҳаларини ривожлантириш, аҳолига тўланадиган ижтимоий тўловларнинг ҳажмини ошириш, кичик тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётда хусусий сектор ҳиссасини юксалтириш, банк ва молия соҳаларидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга даъват этди», — деб ёзади «Global Insight».

Президент маърузаси, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг ишбилармон ва ижтимоий-сиёсий доиралари вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон раҳбари маърузасини шарҳлар экан, ўлар мазкур чиқиш нафақат Ўзбекистон иқтисодиётидаги аҳвол билан ҳар томонлама танишиш, балки мамлакат билан яқин бир неча йил ичидаги ҳамкорлик стратегиясини ишончли тарзда ишлаб чиқиш имконини ҳам беришини қайд этмоқда.

Голландиянинг «Van Der Ploeg International B.V.» қишлоқ хўжалик компанияси бошқарувчи директори Йохум Ван Дер Плухнинг айтишича, унинг компанияси Ўзбекистонга истиқболли ва мафтункор бозор сифатида қарамоқда.

— Мамлакат ҳукуматининг қишлоқ хўжалигида хусусий сектор улушини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлари юксак баҳога сазовордир, — дейди тадбиркор. – Компаниямиз Ўзбекистон билан қорамол етказиб бериш, сутчилик ва парранда фермаларини тузиш борасида ҳамкорлик ўрнатиш ва алоқаларни ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдордир. Президент Ислом Каримов маърузасида келтирилган далил ва статистика маълумотлари бизга ишонч бағишлаб, амалий ҳамкорликка имкон қадар тезроқ ўтиш учун жуда яхши туртки бўлиб хизмат қилади.

«Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни бир ярим йил муқаддам бошлаган ҳолда Тошкентда иккита тўқимачилик корхонасини очганмиз, — дейди **Голландиянинг «Dinana Fashion» компанияси бош директори Х.Гуллер**. — Ўтган қисқа вақт мобайнида биз Ўзбекистон раҳбариятининг тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва мамлакатда қулай сармоя муҳитини яратишга қаратаётган юксак эътиборини ўзимиз ҳис этиб улгурдик. Айнан мана шу эътибор туфайли мамлакат Президент Ислом Каримов томонидан айтиб ўтилган ривожланишнинг юқори суръатларига эришмоқда. Шу ўринда Ўзбекистонда таълим соҳасига ҳам жуда катта эътибор қаратилаётганини айтиб ўтишни истар эдим. Бу мавзу Президент маърузасида атрофлича ўз ифодасини топган ва мен бу йўлда амалга оширилаётган чоралар ўзининг ижобий натижасини бераётганини мамнуният билан қайд этишни хоҳлар эдим. Айни пайтда юртингизда ўз корхоналарини очаётган сармоядорлар малакали кадр ва мутахассислар билан боғлиқ ҳеч қандай муаммоларга эга эмас».

Жаҳон божхона ташкилоти катта ходими В.Микеладзенинг фикрича, Ўзбекистон экспортининг 31,5 фоизга ошгани мамлакатнинг халқаро иқтисодий алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани ва у секин-аста жаҳон иқтисодиётига интеграциялашаётганидан далолат беради.

— Тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада кўпайгани эса хорижий тадбиркорларнинг Ўзбекистонга нисбатан бўлган ишончи тобора мустаҳкамланаётгани ва бу мафтункор бозорда ўрнашиб қолишга ҳаракат қилаётганининг ёрқин далилидир, — деди В.Микеладзе.

«Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қандай баландпарвоз сиёсий баёнотларни бераётгани йўқ, у сиёсий шовқин-сурон билан шуғулланмасдан, балки иқтисодиётни шакллантириш, давлат қурилиши билан машғул бўлмоқда, — дейди Россиядаги **«Мир говорит» газетасининг бош муҳаррири Виктор Матяшов**. — Мамлакатнинг 2006 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид маълумотлар вазиятнинг Ўзбекистон учун қулай томонга ривожланаётганидан далолат берсада, Ислом Каримов мавжуд иқтисодий захираларга катта эътибор қаратиб, улардан фойдаланишнинг йўлларини белгилаб берди».

Президент И.А.Каримов маърузасини шарҳлар экан, **Россия Федерацияси сиёсий конъюнктура маркази эксперти Евгения Войко** Ўзбекистон етакчиси томонидан айтиб ўтилган иқтисодий жабҳага оид маълумотлар диққатга сазоворлиги, энг муҳими, улар муваффақият кўрсаткичлари эканлигига тўхталди.

— Ижтимоий фаолиятнинг деярли барча соҳаларини қамраб олган тузилмавий ўзгаришлар республика раҳбариятининг мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланишнинг сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқишга интилаётганидан далолат беради. Президент ҳокимиятнинг барча соҳалардаги иқтисодий муносабатларни эркинлаштиришга қатъий интилаётганини алоҳида таъкидламоқдаки, бу давлатнинг иқтисодиётга аралашуви камаяётгани ҳамда хусусий бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганида намоён бўлмоқда, — деб таъкидлади россиялик эксперт.

«Ўйлашимча, Президент И.А.Каримовнинг маърузаси ўтган йил натижалари лўнда ифода этилгани ва 2007 йилдаги тараққиётнинг мақсад ва устуворликлари аниқ белгилаб берилгани билан диққатга сазовордир, — дейди **Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси депутати Шим Жедук**. — Шу ўринда халқ фаровонлигини ҳар томонлама ошириш учун мамлакат ҳукумати қаратаётган диққат-эътиборни ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Мазкур йўналиш Ўзбекистон раҳбарияти учун устувор бўлган ва шундай бўлиб келмоқда. Айнан шу боис маош, нафақа ва турли ижтимоий тўловларни ошириш масалалари Президент томонидан фаолиятнинг устувор йўналишлари рўйхатига киритилган. Фурсатдан фойдаланиб, Президент Ислом Каримовнинг донолиги ва етакчилик қобилиятига чуқур эҳтиром изҳор этишни хоҳлар эдим. Ўзбекистон раҳбари аниқ вазифаларни ҳал этишда доимо узоқ муддатли истиқболларни ва вазифаларни кўра олади».

Корея Республикасида инглиз тилида чоп этиладиган нуфузли «The Korea Post» журнали президенти ва нашири Ли Кёнг-сик мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқлари ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

— Мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг жадал ўсиши, экспортнинг сезиларли даражада юксалиши, олтин-валюта захираларининг ошиши, шунингдек, иқтисодиётни тузилмавий жиҳатдан қайта қуриш борасидаги вазифаларнинг ҳал этилиши мамлакат раҳбарияти томонидан белгиланган иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш вазифалари муваффақиятли тарзда ҳал этилаётганидан далолат беради, — дейди Ли Кёнг-сик. — Жанубий кореялик ишбилармонлар Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хорижий сармоядорларга стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳаларни, жумладан, автомобилсозлик, электротехника, енгил ва тўқимачилик саноати корхоналарини таклиф этишга тайёр экани тўғрисидаги сўзларига алоҳида диққат билан қулоқ тутди.

Хитойнинг «Beijing Golden Harvest Trade Co., LTD» компанияси бош менежери Йао Юань Ўзбекистоннинг макроиқтисодий тараққиёти натижалари, ЯИМ ўсиши, экспорт ҳажмининг ўсиш суръати, олтин-валюта захирасининг ошиши ва тўлов балансининг барқарорлиги Халқаро Валюта Жамғармасидек нуфузли халқаро молия институти мутахассислари томонидан юқори баҳоланганига эътибор қаратди.

— Президент Ислом Каримов маърузасида келтириб ўтилган далил ва рақамлар ҳамда ХВЖ томонидан берилган юқори баҳо ўзбекистонлик ишбилармонлар билан алоқа ўрнатиш ниятида бўлган хорижий сармоядорлар учун ўзига хос туртки бўлиб хизмат қилади, — деди Йао Юань. – Ўзбекистон Президентининг маърузасида акс этган вазиятнинг синчков таҳлили бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатдаги сармоя муҳитини яхшилаш масалалари мамлакат раҳбариятининг доимий диққат марказида турганидан далолат беради. Бу мамлакатда фаолият кўрсатаётганлар учун ҳам, бу ерга эндигина келишни режалаштираётганлар учун ҳам яна бир қўшимча туртки бўлиши шубҳасиздир.

«Жаҳон» АА

«ЎЗБЕКИСТОН — ИСЛОМ ДУНЁСИНИНГ ГАНЖИНАСИ»

Яқинда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган ана шундай номдаги видеофильм араб тилида Қувайт телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилди. Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи ўттиз дақиқалик ушбу фильм Қувайтнинг академик ва жамоатчилик доираларида катта қизиқиш уйғотди.

Бир неча маротаба мамлакатимизда бўлиб қайтган Араб очиқ университетининг Қувайт филиали директори Фуад ал-Микрад қўҳна ва бой тарих ҳамда бетакрор маданиятга эга, буюк аллома ва мутафаккирларнинг ватани — Ўзбекистон нафақат ислом, балки бутун жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшганини қайд этди. Унинг фикрича, Қувайт телевидениеси орқали намойиш этилган мазкур фильм ўз мамлакати аҳлига Ўзбекистоннинг ноёб тарихий-меъморий ёдгорликлари, муқаддас маънавият ўчоқлари ҳамда халқнинг миллий анъаналари билан бевосита танишиш имконини берди.

«Ўзбекистон — ислом дунёсининг ганжинаси» фильми умуминсоният маданияти ривожланиши тарихида Ўзбекистон ўрни ва аҳамиятининг эътирофидир», деди Қувайт университети сиёсатшунослик кафедраси доценти, «Европа Форс кўрфази» тадқиқот марказининг раҳбари Хейла ал Муқейми.

Қувайт университети ўқитувчиси Абдул Ризо ал-Нажжоранинг таъкидлашича, «видеофильм» қувайтлик телетомошабинларни Ўзбекистон тарихи ва маданияти билан яқиндан таништириши баробарида қўҳна тарихий ёдгорликларни авайлаб-асраш, маънавий қадриятларни тиклаш ҳамда ёш авлодни миллий фахрифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш юзасидан мамлакат раҳбариятининг эътибори ва ғамхўрлиги қирраларини ҳам очиб берган».

«Жаҳон» АА

❖ **Огоҳлик**

ГИЁҲВАНДЛИК — БАЛО-ҚАЗО

УНДАН ЁШЛАРИМИЗНИ АСРАШИМИЗ ЛОЗИМ

Муҳим стратегик ва геосиёсий ҳудудда жойлашган мамлакатимиз учун диний экстремизм, ОИТС ва гиёҳвандлик каби иллатларга қарши курашиш, минтақа хавфсизлигини таъминлаш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Айниқса, бу иллатлардан ёшларни асраш ҳар бир отаона, ўқитувчи, маҳалла фаоли, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари учун муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Самарқанд вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ва унинг тасарруфидаги барча таълим муассасаларида гиёҳвандликнинг олдини олиш, ёшларни бу фожиали йўлдан қайтариш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳукумат қарорлари ҳамда вазирлик ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази томонидан қабул қилинган дастурлар асосида иш режаси ишлаб чиқилган.

Шунингдек, бошқарманинг тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, барча таълим муассасаларига етказилди. Унга мувофиқ таълим муассасаларида «Гиёҳвандлик — умр заволи» мавзуида иншолар танлови, «Соғлом бўлиш ўзимизга боғлиқ» мавзуида давра суҳбатлари, «Қувноқлар ва зукколар» беллашувлари каби қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, Самарқанд шаҳрида Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишлаб марафон ўтказилди. Унда ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқувчи-ёшларидан 350 нафари фаол иштирок этди.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича минтақавий комиссия билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишини назорат қилиш Давлат комиссиясининг 2006 йил 24 апрелдаги баённомаси ижроси юзасидан гиёҳвандликка қарши кураш бўйича аҳоли, ёшлар ўртасида учрашув ва жонли мулоқотлар мунтазам ўтказиб борилмоқда.

Жомбой, Иштихон ва Нуробод туманларида, май ойида эса Самарқанд шаҳри ва Ургут туманларида жойлашган таълим муассасаларида гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати ўрганилди. Унга кўра, таълим муассасаларида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда эллиқдан ортиқ тадбирлар ўтказилиб, кенг тушунтириш ишлари олиб борилган.

Барча таълим муассасаларида гиёҳвандликка қарши кураш бўйича бурчаклар, махсус кўргазмали воситалар тайёрланган, ўқув қўлланмалар, аудио-видео мосламалар мавжуд.

Шунингдек, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан биргаликда касб-ҳунар коллежларида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандликка қарши кураш ишларини янада такомиллаштириш, порахўрлик, таъмагирлик, фирибгарлик каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида келгусидаги тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенгроқ тарғиб этиш мақсадида «Келажак овози» ёшлар маркази МЧЖ билан ҳамкорликда «Ёшларнинг репродуктив саломатликлари ва ҳуқуқлари» мавзуида икки ҳафталик ўқув семинари ташкил этилди. Унда ҳар бир таълим муассасасидан ўқитувчи-мураббийлар иштирок этди. Семинар қатнашчилари таъсирчан тарбиявий услубларни ўрганиш билан бирга, тегишли мавзулардаги маъруза матнлари, услубий қўлланмаларга ҳам эга бўлдилар. Шунингдек, вилоят «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларини янада такомиллаштириш борасида элликка яқин турли тадбирлар ўтказилди. Ўйлаймизки, бу ёшлар учун муҳим сабоқ бўлиб, келажак ҳаётида асқотади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бугун барча ўқув юртларида «Гиёҳвандлик ва унинг зарарли оқибатлари» мавзуида 10 соатлик ўқув курслари ўқитилмоқда. Гиёҳвандлик оқибатларини ҳаётий мисоллар асосида кўрсатишга ҳаракат қилаяпмиз. Таҳлиллар натижаси бу ҳаракатларимиз самара бераётганини кўрсатмоқда. Энг муҳими, таълим муассасаларимиздаги ҳар бир ўқитувчи ва мураббий талабалар тақдири учун масъуллигини тобора чуқурроқ ҳис этмоқда.

Муродулла ХОЛМУҲАМЕДОВ,
Самарқанд вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент

❖ **ЎзХДП фаоллари**

ДЕПУТАТЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Фотима ҲАЛИМОВА 1968 йилда Бағдод туманида туғилган, 1992 йилда институтни тамомлаган, тарих ўқитувчиси. Ўзбекистон ХДП аъзоси. 2004 йилги сайловда Ўзбекистон ХДПдан халқ депутатлари Бағдод туман Кенгаши депутати этиб сайланди. Туман Кенгашининг «Ижтимоий масалалар, оила, аёллар ва ёшлар» доимий комиссияси раиси.

Унинг раҳбарлигида 2002 йили туманда «Аёл ва замон» маркази ташкил этилган эди. Аёлларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватловчи бу марказ шу пайтгача 10 дан ортиқ лойиҳа бўйича иш олиб бориб, халқаро ва республикамиздаги ижтимоий фондлар ташкил қилаётган танловларда иштирок этди. Бир неча лойиҳалар бўйича халқаро грантлар соҳиби бўлди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммолари, унинг ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлигини ошириш мавзуларидаги лойиҳалар шулар жумласидандир.

Ўтган йили марказ «Халқаро ривожланиш банки»нинг грантини қўлга киритиб, туман бюджетини шакллантиришда ва унинг ижросини таъминлашда фуқароларнинг иштироки» мавзуидаги лойиҳа бўйича тумандаги 9 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида семинарлар ташкил этди. Семинарлар олдидан фуқаролар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилди. Уларнинг туман бюджети ҳақидаги тушунчалари, ижтимоий муаммолар ўрганилди.

Фотима Ҳалимова депутат этиб сайланган Бағдод шаҳарчаси «Иттифоқ» маҳалласининг «Янги ҳаёт» мавзесида тоза ичимлик суви муаммоси мавжуд эди. Маҳаллада 400 га яқин хонадон бор. Ф.Ҳалимова депутат сифатида муаммони тегишли мутахассислар билан бирга ўрганиб, артезиан қудуғини қазиш ва ичимлик суви тармоғини тортиш бўйича тегишли лойиҳа ҳужжатларини тайёрлади. Японияннинг мамлакатимиздаги элчихонаси эълон қилган «Кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам Дастури» бўйича танловда қатнашди ва 60 млн. сўмлик грантни қўлга киритди. Ушбу лойиҳа юзасидан бурғулаш ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича ўтказилган тендерда Учкўприк туманидаги «Геоширинсув» ишлаб чиқариш корхонаси ғолиб чиқди. Ўтган йил апрель ойида артезиан қудуғи қазиш бўйича бурғулаш ишлари бошлаб юборилди. Тўрт ой ичида 250 метр чуқурликдан сув чиқарилди. Сувнинг истеъмолга яроқлилиги текширтирилиб, тегишли сертификат олинди. Ичимлик суви тармоғини тортиш ишлари бошланиб, 6,3 км. полиэтилен қувурлар ётқизилди.

ХДП фаоли Ф.Ҳалимованинг ушбу объектни ишга туширишдаги саъй-ҳаракатларига туман ҳокимлиги, туман «Ергеодезкадастр» бўлими, «Иттифоқ» маҳалла фаоллари яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида ушбу объект тўлиқ ишга туширилди. Унинг узоқ муддат ишлашини таъминлаш, сув исрофгарчилигининг олдини олиш мақсадида маҳаллада жамоатчилик асосидаги «Сув қўмитаси» тузилди. Ичимлик суви муаммосини ҳал этишда ташаббус ва ёрдам кўрсатгани учун депутат Ф.Ҳалимовага ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгашига аҳоли ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Ф.Ҳалимова Халқ депутатлари туман Кенгашининг «Ижтимоий масалалар, оила, аёллар ва ёшлар» доимий комиссиясининг раиси сифатида ҳам муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Куни кеча депутатимизни туман ҳокимлигида учратдик. У раҳбарлик қилаётган доимий комиссия ташаббуси билан туман Кенгашининг келгуси сессиясига «Туман халқ таълими тизимида ислоҳотларни амалга оширишнинг бориши» масаласи ўрганилиб, депутатлар муҳокамасига киритишга тайёргарлик кўрилаётган экан...

Хурсанбой ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Бағдод туман кенгаши масъул ходими.
Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё вилоят филиали 125 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда 14 та асосий ва ёрдамчи диагностика бўлимлари мавжуд. Жарроҳлик, травматология, терапия, урология, кардиология, реанимация каби тез ёрдам бўлимлари шифокорлари кунига ўртача 30-35 нафар беморни қабул қиладилар. Бундан ташқари, чекка туманлардаги аҳволи оғир беморлар бу ерга санавиация ёрдамида келтирилади.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур филиалда 85 нафар олий маълумотли мутахассис, жумладан, фан докторлари ва фан номзодлари, шунингдек 380 нафар ўрта тиббиёт ходими вилоят аҳолисига малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Бинобарин, инсон сиҳат-саломатлиги жамиятнинг бойлиги, тараққиётнинг омилидир.

Суратда: *жарроҳлар. А.Кенжаев, Қ.Мадартов, К.Мардонов лопороскопик операцияни амалга оширишмоқда.*

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат

ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

Наманган вилоятида «Маънавият ва маърифат ойлиги» доирасида хайрия ҳашари ташкил этилди. Унда кенг кўламдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 3787,1 тонна қурилиш ва маиший чиқиндилар ташиб чиқарилиб, 282,5 минг туп манзарали, 182,3 минг туп мевали, 42 минг туп ноёб игна баргли дарахтлар, 216,3 минг дона гул кўчати ўтказилди. Йўл ва ариқ-зовурлар, боғ, экин майдонлари тозаланди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

АКАДЕМИК ГАЛИНА АНАТОЛЬЕВНА ПУГАЧЕНКОВА

Ўзбекистон фани оғир жудоликка учради. Марказий Осиё санъати ва маданиятининг таниқли тадқиқотчиси, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Галина Анатольевна Пугаченкова 92 ёшида вафот этди.

Г.А.Пугаченкова 1915 йил 7 февралда меъмор оиласида туғилди. 1937 йилда Тошкент политехника институтининг меъморчилик бўлимини ва Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи кафедрасида аспирантурани тамомлади. Г.А.Пугаченкова 1941 йилда «Навоий даври меъморчилиги» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1942-1960 йилларда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет) тарих факультетининг археология кафедрасида доцент бўлиб ишлади.

Г.А.Пугаченкова ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб турмуш ўртоғи ва сафдоши академик М.Е.Массон билан биргаликда археологик экспедицияларда иштирок этди. 1958 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1960 йилдан бошлаб Санъатшунослик институтининг меъморчилик ва санъат тарихи секторига мудирлик қилди. Шу йили олима санъатшунослик таҳлили усулида археологик қазиш ишларини амалга оширадиган Ўзбекистон археология-санъатшунослик экспедициясини ташкил этди. 1965 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1984 йилда эса ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. 1986-1989 йилларда Фанлар академиясининг Ижтимоий фанлар бўлимида академик-котиб лавозимида ишлади. Г.А.Пугаченкова умрининг охиригача Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг етакчи илмий ходими сифатида ўз фаолиятини давом эттирди.

Галина Анатольевна Пугаченкова бутун ҳаёти ва иste'ъдодини илм-фан соҳасига сидқидилдан хизмат қилишга бағишлади. У ўзининг серқирра таланти, чуқур билими, теран ва салмоқли тадқиқотлари билан нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам шуҳрат қозонди. Г.А.Пугаченкова 750 дан зиёд илмий иш муаллифидир. Ушбу тадқиқотларнинг аксарияти дунёнинг турли тилларига таржима қилинган. Унинг раҳбарлигида 30 нафардан кўпроқ тадқиқотчи докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлади.

Холчаён ва Далварзинтепадан ноёб қадимий маданият намуналарининг топилишида Галина Анатольевна Пугаченкованинг хизматлари беқиёсдир. У қадим замонда ва ўрта асрларда Ўрта Осиёда кечган тарихий-маданий жараёнларни умумлаштирувчи концепцияни ишлаб чиқди ҳамда ҳар томонлама асослади.

Г.А.Пугаченкова жамоат ишларида ҳам фаол қатнашди, юртимиз ва хорижий илмий журналлар таҳририятлари ҳайъатининг аъзоси эди, Ёдгорликларни таъмирлаш ва сақлаш халқаро ташкилоти (ICOMOS)нинг аъзоси сифатида кўплаб халқаро симпозиум ва конференцияларда Ўзбекистон илм-фанини муносиб намоён этди. 1985 йилда Страссбург университетининг фахрий доктори юксак унвонига сазовор бўлди, 1995 йилда Франциянинг «Академик пальма» давлат ордени билан тақдирланди.

Олиманинг илм-фанни ривожлантиришдаги хизматлари республикамиз ҳукумати томонидан муносиб баҳоланди. Г.А.Пугаченкова «Буюк хизматлари учун», «Дўстлик» орденлари ва «Шуҳрат» медали билан мукофотланди, Ўзбекистон фан арбоби унвонига сазовор бўлди, Давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Атоқли олима, илм-фаннинг йирик ташкилотчиси ва тарғиботчиси, жамоат арбоби ва истеъдодли педагог Галина Анатольевна Пугаченкованинг ёрқин хотираси абадий сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, Р.ҚОСИМОВ, Ш.СОЛИҲОВ, Т.ҚЎЗИЕВ, Э.РТВЕЛАДЗЕ, Т.ШИРИНОВ

❖ **Иқтисодиёт ва ислоҳот**

ШАХСИЙ МАНФААТ УМУМИЙ МАНФААТ ПОЙДЕВОРИ

Қадимий ва навқирон Бухорода маромида ишлаб турган корхоналар талайгина. «Бухоро экстракт ёғ» очиқ акциядорлик жамияти ана шундай барқарор ривожланаётган корхоналардан бири.

Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш учун хомашё етарли. Чунки бухоролик пахтакорлар кейинги йилларда «оқ олтин»дан мўл ҳосил олишга эришмоқдалар. Пахтани қайта ишлаш заводлари эса сифатли тола тайёрлаш билан биргаликда ёғ саноати ходимларига бир неча ўн минг тонналаб чигит ҳам етказиб бермоқдалар. Бухоро, Жондор, Ромитан, Шофиркон туманларидан чигит қабул қилиниб, ўз вақтида қайта ишланмоқда. Қарийб 3 мингга яқин фермер хўжаликлари билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар фикримизнинг далили.

Маълумки, пахтакорлар ўтган йили шартнома режасини ортиғи билан бажаришди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Энди эса етиштирилган ҳосилдан чиққан тайёр маҳсулот деҳқон-фермерларга етказиб берилмоқда. Гап шундаки, вилоят туманларида 2005 йилдаёқ 15 та шохобча ташкил этилиб, шелуха ва шрот шу шохобчалар орқали жадвал асосида фермерларга етказилмоқда. «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси томонидан тақдим этилган чигит миқдоридан келиб чиқиб, шохобчага бириктирилган хўжаликларнинг аниқ рўйхати тузилди. Сунъий тўсиқ қўйиб, тақчилликни вужудга келтириб, одамлар норозилигига сабаб бўладиган ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олиш, айбдорларга нисбатан кескин чоралар кўриш бўйича шохобча мудирлари ва ходимларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи мансабдорлик йўриқномалари ишлаб чиқилди. Шохобчаларда қулай иш шароитлари яратилди. Айниқса, Бухоро туманидаги «Панжа», «Юрин поён», Жондор туманидаги «Охших», «Хумдонак», Ромитан туманидаги «Ромитан», «Боғитуркон», Шофиркон туманидаги «Шофиркон», «Қалмоқон» шохобчаларида бу борада ибратли ишлар амалга оширилди. Ўтган йили эса яна 3 та шохобча қуриб, фойдаланишга топширилди.

Маҳсулотни шохобчалар орқали тарқатишнинг қулайликларини мижозлар дарҳол ҳис қилишди. Чунки илгари заводнинг қунжара, шелуха омборлари атрофи одамлар билан тирбанд бўларди. Юк машиналари-ю, трактор тиркамаларининг шовқини оламни бузарди. Устига-устак одамлар навбат талашиб, жанжаллашиб қолишарди. Корхона раҳбарлари, унинг ўринбосарлари, омбор мудирлари ҳузурида ҳам одам тирбанд бўлишарди. Энди эса хоҳ фермер бўлсин, хоҳ чорвадор, ё оила вакили бўлсин ўзига тегишли маҳсулотини бемалол олиш имконига эга.

Жамият корхоналари замонавий асбоб-ускуналар, дастгоҳлар билан тўла жиҳозланган. Франциянинг «Стека» фирмасидан келтирилган линия қисқа муддатларда ўрнатилди. Цехда 1 ва 5 литрли полиэтилен идишларга қиздирилган ҳамда тозаланган ёғ қуйилмоқда.

— Айни пайтда халқимизга экологик жиҳатдан тоза, ҳидсизлантирилган ўсимлик мойи етказиб бераяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда корхона бош муҳандиси Амрулло Абдуллаев. — Совун ишлаб чиқариш цехини қайта таъмирладик. Янги-янги дастгоҳлар ўрнатилди. Ишчилар малакаси оширилди. Хўжалик совуни ишлаб чиқаришда асосий хомашё — соапсток ўзимизда чиқади. Ўтган йили бир ярим минг тоннага яқин шундай хомашё тайёрланди. 572 тонна ўрнига 594 тонна хўжалик совуни ишлаб чиқарилди.

Корхона ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари 2006 йил ҳосилдан чиққан хомашёни қайта ишлашга жазирама ёз пайтидаёқ ҳозирлик кўриб қўйишганди. Бутун ёз бўйи цехлар сифатли таъмирдан чиқди. Дастгоҳларнинг эскириб қолган эҳтиёт қисмлари янгиланди. Айниқса, экстракция цехида муҳим созлаш ишлари бажарилди.

Кейинги йилларда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратиляпти. Аввало уларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди. Ойлик маошлари кўтарилди. Ишчи-ходимларни рағбатлантириш яхши йўлга қўйилди. Жумладан, янги йил арафасида ҳар бир ходимга 50 минг сўмдан мукофот ажратилди. Куз мавсумида картошка ва пиёз тарқатилди.

Бундай рағбат ва қулай иш шарт-шароитларидан руҳланган жамоа аъзолари фидокорона меҳнат қилишмоқда. Натижада режадаги 77201 тонна ўрнига 79518 тонна чигит қайта ишланди. 14353 тонна тозаланмаган, 12581 тонна тозаланган ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Чорвадорларга 34655 тонна шрот, 25643 тонна шелуха етказиб берилди. Тайёрланган маҳсулот 8 млрд. сўмликдан зиёд бўлди.

Даромадга яраша буромад деганларидек, ўтган йили вилоятда болалар спорти ва футболни ривожлантириш учун, шунингдек, мурувват уйлари, «Нуроний» жамғармаси, «Ситора» болалар боғчаси сингари объектларни таъмирлашга мўмайгина маблағ ажратилди.

Корхона жамоаси «Ижтимоий ҳимоя йили»да ҳам ғайрат билан ишлаб, одамларга ғамхўрликни янада кучайтириш режаларини тузиб қўйганлар.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари



Суратда: экстрация цехининг ташқи кўриниши



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ МАЪҚУЛЛАНМАДИ

АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Ироққа яна қўшимча 20 минг кишилик ҳарбий контингент жўнатиш ҳақидаги шу йил 10 январда қабул қилган қарорини мамлакат Конгрессининг вакиллар палатаси маъқулламади.

Ушбу масала палатанинг 4 кунлик баҳс-мунозараларига сабаб бўлди ва охир-оқибат президент қарорига қарши резолюция қабул қилинди. Уни 246 нафар конгрессмен қўллаб-қувватлаб овоз берган бўлса, 182 нафари резолюцияга қарши чиқди. 4 кун давомида вакиллар палатасининг 375 аъзоси сўзга чиқиб, ўз фикрларини билдирдилар.

Мазкур резолюция мажбурий кучга эга эмас, лекин унинг қабул қилиниши Бушнинг Ироқдаги стратегиясига вакиллар палатасининг илк бор ишончсизлик билдирганлигини англатади.

Мамлакат президенти билан Конгресс ўртасида бундай қарама-қаршиликнинг вужудга келиши АҚШда конституциявий инқироз хавфини юзага чиқариши мумкинлиги ҳақида АҚШ Сенатининг ички хавфсизлик бўйича қўмитаси раиси Жозеф Либерман барчани огоҳлантирди.

Дарвоқе, Сенатнинг навбатдан ташқари мажлисида вакиллар палатасининг резолюцияси лойиҳасини муҳокама қилиш масаласи овозга қўйилди.

«Новости» ахборотида ёзилишича, 56 сенатор ушбу масала Сенат муҳокамасига киритилишини ёқлаб овоз берган бўлса, 34 нафари қарши фикр билдирди. Шундай қилиб, резолюция Сенатда муҳокама этилмайдиган бўлди. Негаки, АҚШ қонунчилигига кўра, бирор-бир масала Сенатда кўрилиши учун камида 60 нафар сенатор ёқлаб овоз бериши лозим.

БЕНЗИН ЎРНИГА БИОЁНИЛҒИ

Япония оммавий ахборот воситаларида баён этилган хабарга қараганда, шу йил апрель ойидан бошлаб Токио шаҳрининг турли йўналишлари бўйлаб қатновчи 64 та автобус одатдаги бензинда эмас, балки биологик ёнилғида ҳаракатланади. Бу ёнилғи соя ёки пальма мойи, шунингдек, ҳайвон ёғи ёки ўсимлик мойи асосида тайёрланади.

Янги ёнилғи турининг афзаллиги шундаки, ундан атмосферага заҳарли газлар кам чиқади. Шу йўсин Япония маъмурияти 2020 йилга бориб шаҳар ҳавосида карбонат ангидрид гази концентрациясини 25 фоизга камайтиришни режаламоқда.

ИҚТИСОД ТАРТИБИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Қирғизистон ҳукумати мамлакатнинг ташқи қарзини камайтириш учун вазирликлар ва бошқа давлат идораларида иқтисод қилиш тартибини кучайтиришни мўлжаллаб турибди, дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида.

Маълумки, ўтган ҳафта ҳукумат бошлиғи Азим Исабеков давлат идоралари ходимлари 20 фоизга қисқартирилишини эълон қилган эди. Бош вазирнинг матбуот хизматидан хабар беришларича, Исабеков фақат бу билан чекланиб қолмоқчи эмас. Эндиликда давлат идоралари харажатларини иқтисод қилиш режаси ҳам ишлаб чиқилди. Унга кўра, вазирликлар биноларини бюджет ҳисобига «сақлаш» харажатлари, телефон сўзлашувлари, автотранспортдан фойдаланиш ва бошқа харажатлар қисқартирилади.

«Ташқи қарзлар бўйнимиздан сиқиб турган пайтда кучайтирилган иқтисод тартибини жорий этишни вазият тақозо этмоқда. Зарурий чора-тадбирларни қўллаш ва иқтисодий ислоҳотлар эвазига 2 миллиард доллар атрофидаги ташқи қарздан қутилишимиз ва бундан ташқари, шифокорлар ҳамда ўқитувчилар маошларини ошириш учун керакли маблағ топишимиз лозим» деди бош вазир.

Унинг айтишича, яқин йилларда мамлакат иқтисодиёти ривожида сакрашлар юз беради. Мамлакатни ривожлантириш стратегиясига кўра, ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 8,2 фоизга етиши лозим. Акс ҳолда республика қашшоқлик даражасидан чиқолмайди, ташқи қарзларини-да тўлай олмайди.

Ривожланиш стратегиясини амалга жорий этиш учун республикага 1 миллиард доллардан ортиқ маблағ керак. Буни эса ички имкониятларни ишга солиб, топиш даркор. Жумладан, ҳудудларни табиий шароитига кўра, маълум соҳалар бўйича ихтисослаштириш лозим. Масалан, республиканинг жанубий ҳудудларини тамакичиликка, шоличилик ва пахтачиликка ихтисослаштириш ҳозирги чорвачиликдан кўра кўпроқ иқтисодий наф келтиради.

ЕВРО МУОМАЛАСИГА ЎТМОҚЧИ

Кипр Республикаси келгуси йил 1 январдан евро валютасини жорий этишга умид қилмоқда ва шунинг учун ҳам еврога ўтиш бўйича Европа Иттифоқига ариза берди. Тартибга кўра, бу аризани Еврокомиссия ҳамда Европа Миллий банки кўриб чиқади ва жорий йил май ойи ўрталарида қарор қабул қилади. Агар Кипр учун ижобий қарор қабул қилинса, унинг аризаси дастлаб Европа Иттифоқининг Вазирлар Кенгашига тақдим этилади, сўнг Европа Кенгашига. У 2007 йил июнда бўладиган навбатдаги мажлисида кўриб чиқади.



«Новости» ахборот агентлиги эслатишича, бугунги кунда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг 13 тасида евро валютаси амал қилмоқда. Улар Австрия, Бельгия, Финляндия, Франция, Германия, Греция, Ирландия, Италия, Люксембург, Словения, Нидерландия, Португалия ва Испания давлатларидир.

Жорий йилда Латвия, Литва ва Эстониянинг ҳам еврога ўтиши режалаштирилган эди. Аммо Болтиқбўйи давлатлари иқтисодиёти ва молиявий кўрсаткичлари ЕИнинг қатъий молиявий талабларига жавоб беролмади. Шунинг учун ҳам уларнинг еврога ўтиш масаласи кейинга қолдирилди.

2009 йили Чехия ва Венгрия ҳам еврони жорий этиши мумкин. Польша эса ўтиш вақтини ҳали белгилагани йўқ.

Энди Кипр масаласига яна қайтадиган бўлсак, ҳозирги кунда бу ерда кипр фунти ва кипр лираси муомалада. Кипрнинг ушбу миллий валюталари Европада энг «оғир» валюталардандир. У Англия фунт стерлингидан тахминан 15 фоиз қиммат-роқ. Республика Марказий банкининг курси бўйича 1 еврога 0,58 кипр фунтини сотиб олиш мумкин.

ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИНДИ

Россия Федерацияси президенти Владимир Путин Чеченистон Республикаси президенти Алу Алхановни вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Сабаб: А.Алханов бошқа ишга ўтказишни сўраб В.Путинга мурожаат этган. Шунинг учун Алханов Россия Федерациясининг адлия вазири ўринбосарлигига тайинланди. В.Путин яна бир фармонга имзо чекдики, унга кўра, А.Алханов «Ватан олдидаги хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Чеченистон Республикасининг бош вазири Рамзан Қодиров президент вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланди, дейилади «Интерфакс» ахборотида.

А.Алханов 2004 йил августдан президенлик вазифасини бажариб келди. Унинг президентлик ваколати муддати 2008 йилда тугаши керак эди.

Яқин кунларда президентлик лавозимига номзодлар бўйича маслаҳатлашувлар бўлиб ўтади ва қонунчиликка кўра, камида икки кишининг номзоди илгари сурилади.

ҚОЧОҚЛАР КЎПАЙИБ БОРМОҚДА

Корея уруши тугагандан бери (1950-1953 йиллар) Шимолий Кореянинг 10 мингдан ортиқ фуқароси Жанубий Кореяга қочиб ўтган. Бу жараён нолегал тарзда ҳалиям давом этмоқда. «Associated Press» ахборот агентлигининг маълум қилишича, ўтган йилнинг ўзида КХДРнинг 2 минг фуқароси яширин йўллар билан Жанубий Кореяга қочиб ўтган.

Статистик маълумотларда қайд этилишича, 2002 йилдан бери бундай фуқаролар 7700 нафарни ташкил этган.

Қочқинларнинг кўпчилиги Хитой орқали Корея Республикасига ўтмоқда. Негаки, икки Корея давлати ўртасидаги чегаралар ўта кучайтирилган тартибда қўриқланади.

Аслида Хитой КХДР билан тузилган келишув битимига кўра, ноқонуний муҳожирларни Шимолий Кореяга қайтариб юбориши лозим. Аммо Хитой жаҳон жамоатчилиги танқидига учрамаслик учун бундай қилмаяпти.

КХДР фуқароларининг Жанубий Кореяга қочиб ўтиш ҳолатлари ўтган асрнинг 90-йилларидан, яъни КХДРда очарчилик бошлангандан сўнг янада кўпайган.

ЯНГИ ҲУКУМАТГА ЙЎЛ ОЧИШ УЧУН

Фаластин ҳукуматининг раҳбари, ХАМАС ташкилоти етакчиларидан бири Исмоил Хония янги миллий бирлик ҳукумати шаклланишига йўл очиш учун истеъфога чиқди. Демак, ҳукумат ҳам тўлиқ таркибда истеъфога чиқади. Бироқ, Фаластин миллий маъмурияти раҳбари, ФАТХ ташкилоти етакчиси Маҳмуд Аббос ўтган ҳафта Саудия Арабистонининг Макка шаҳридаги келишувга кўра, янги миллий бирлик ҳукуматини шакллантиришни Исмоил Хонияга топширади.

«Associated Press» ахборот агентлиги маълум қилишича, Бош вазирлик курсисини ўзида сақлаб қолган ХАМАСчилар янги ҳукумат таркибида 6 та вазирлик портфелини қўлга киритадилар ва мустақил номзодлардан 3 та вазирни сайлаш ҳуқуқига эга бўладилар. ФАТХ ташкилоти эса 4 та вазирлик портфелига ва 2 та мустақил номзодни сайлаш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 27 февраль 11-0622/373-сонли иши бўйича ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Крахмал» АЖга қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Иттифоқ» ҚФЙ «Тўқимачи» ширкат хўжалигида жойлашган ишлаб чиқариш заводи бино, иншоот ва асбоб-ускуналари мулкий мажмуаси бўйича очиқ оферта эълон қилинади.

Мулкий мажмуанинг ***бошланғич баҳоси — 405 000 000 сўм.***

Очиқ офертада ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Энг юқори нархни таклиф этган шахс билан олди-сотди шартномаси тузилади.

Аризалар оферта эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

«Крахмал» АЖ тугатув бошқаруви: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Иттифоқ» ҚФЙ, «Тўқимачи» ш/х.

Телефон: (99871) 128-59-82, 58-81-03, 398-47-47, факс 148-11-52.

Бобур номидаги халқаро хайрия жамғармаси томонидан чиқарилган баҳоси 200 сўм қийматидаги «Бахт қуши» лаҳзалиқ пул-буюм хайрия лотереясининг 7-чиқариш ўйинлари тугатилди. Шу муносабат билан ютуқли билетлар 2007 йил 20 майга қадар қабул қилинади. Ушбу муддатдан кечиккан ютуқ соҳибларига ютуқлар тўланмайди.

Бобур номидаги халқаро хайрия жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан чет эл фуқароси — **«OZKORTEKS» МЧЖ ХК** ходими Атеш Меҳмет Кемалга берилган №2975 ТошВ рақамли «Меҳнат фаолияти тасдиқномаси» йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитаси Ҳайъати Марказий Кенгаш аппарати масъул ходими **Владимир Николаевич БУБНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати МК аппарати масъул ходими Нурмуҳаммад Пардаевга отаси **Амир ПАРДАЕВ**нинг вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ЧЕМПИОНЛАР КАМОЛ ТОПМОҚДА

Учқўрғондаги 20-сонли ихтисослашган иқтидорли болалар спорт мактаб-интернатида таҳсил олаётган 366 нафар ўқувчи орасида нафақат водий, балки Сирдарё ва Тошкент вилоятларидан келганлар бор.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзанида спортни оммалаштиришга қаратилган интилишлар фарзандларимизнинг нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишига ҳам хизмат қилади. Учқўрғон тумани марказидаги ташландиқ жойда спорт-соғломлаштириш маркази ташкил этишга астойдил киришилганига сабаб ҳам шу.

2002 йилнинг ёзидан бошланган саъй-ҳаракатлар самарасиз қолмади. Бу ишга маҳаллий ҳокимият ҳам астойдил бош қўшди. Натижада спорт зали ва теннис корти шаклидаги марказ кўпчиликнинг кўмаги билан махсус спорт мактаб-интернатига асос бўлди. Қисқа муддатда фан кабинетлари, кутубхона, 240 ўринли ётоқхона, ошхона, 3 та спорт зали, тренажёрлар хонаси, теннис корти ва бошқа бир қатор қулайликлар яратилди.

Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Каримахон Қорабоеванинг айтишича, айни пайтда ўқувчиларнинг 2 нафари спорт устаси, 19 нафари спорт усталигига номзод. Шунингдек, ушбу таълим муассасаси ёшлари тарих, кимё-биология, инглиз тили ва бошқа фанлар бўйича вилоят ўқувчилари олимпиадасида юқори ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Спорт мактаб-интернатдаги таълим-тарбия жараёнини кузатарканмиз, бу ерда чемпионлар камол топаётганига ишонч ҳосил қилдик.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Суратда: бокс мураббийси Анваржон Деҳқонов машғулот пайтида.
Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ПЕКИНГА ЙЎЛЛАНМА УЧУН

Мамлакатимиз футболчилари XXIX ёзги Олимпия ўйинларининг навбатдаги саралаш учрашувини Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоасига қарши ўтказади

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

Осиё минтақаси дастлабки саралаш босқичига якун ясалди. Уй-сафар тизимида уюштирилган баҳсларда ғолибликни қўлга киритган ўнта терма жамоа кейинги босқичга йўлланма олди.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси икки ўйин (4:1, 2:0) натижасига кўра, Тожикистон вакилларини мағлуб этганди. Қирғизистон футболчилари мусобақадан бош тортганлиги туфайли уларнинг рақиблари — Иордания Олимпия терма жамоаси баҳсларни давом эттирадиган бўлди. Вьетнам — Афғонистон Олимпия терма жамоалари эса бир учрашув натижасига мувофиқ, ғолибни аниқлашди. Унда рақиблари дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллаган Вьетнам футболчилари ғалаба қозонди.

Дастлабки босқичнинг қолган ўйинлари қуйидагича якунланди: Ҳиндистон — Мьянма — 1:1 (биринчи учрашув — 1:1, пен. бўйича — 4:1), Таиланд — Туркманистон — 5:1 (1:0), Покистон — Сингапур — 3:2 (2:1), Сянган (Гонконг) — Бангладеш — 0:1 (3:0), Фалластин — Яман — 1:1 (1:2), Мальдив ороллари — Индонезия — 0:0 (0:1), Хитой-Тайпейи — Авс-тралия — 0:1 (0:11).

Қуръага кўра, иккинчи босқич саралаш учрашувларида қитъамизнинг 24 терма жамоаси олти гуруҳга бўлиниб, мусобақани давом эттиради. Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси «F» гуруҳидан жой олган. Унда ҳамюртларимиз Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда Яман олимпиячилари билан куч синашадилар. Вакилларимиз иштирок этадиган гуруҳ учрашувлари тақвими қуйидагича:

1-тур, 28 февраль
Ўзбекистон — БАА
Ж.Корея — Яман
2-тур, 14 март
Яман — Ўзбекистон
БАА — Ж.Корея
3-тур, 28 март
Ж.Корея — Ўзбекистон
Яман — БАА
4-тур, 18 апрель
Ўзбекистон — Ж.Корея
БАА — Яман
5-тур, 16 май
БАА — Ўзбекистон
Яман — Ж.Корея
6-тур, 6 июнь
Ўзбекистон — Яман
Ж.Корея — БАА

Иккинчи босқичнинг қолган беш гуруҳида эса қуйидаги Олимпия терма жамоалари ўзаро баҳс юритишади:

«А» гуруҳи: Баҳрайн, Қувайт, Қатар, Покистон

«В» гуруҳи: Япония, Малайзия, Сурия, Сянган

«С» гуруҳи: Уммон, Ливан, Вьетнам, Индонезия

«Д» гуруҳи: Эрон, Саудия Арабистони, Иордания, Австралия

«Е» гуруҳи: Ироқ, КХДР, Таиланд, Ҳиндистон.

Эслатиб ўтамиз, ҳар бир гуруҳдан дастлабки икки ўринни эгаллаган терма жамоалар саралаш учрашувларининг ҳал қилувчи — учинчи босқичига йўлланма олади.

Эркин ХОЛБОБО

Айдаркўл соҳилларида бўлганмисиз? Денгиз тўлқинлари саҳар чоғи ёки кунботар олдидан мавжланишини томоша қилганмисиз? О, нақадар гўзал, сеҳрли манзара! Кишининг бир умр ёдида қолади. Айдаркўл атрофларида ҳар сонияда мўъжиза содир бўлиши мумкин. Шундай бўлди ҳам.

АЙДАРКЎЛ СОҲИЛИДАГИ МЎЪЖИЗА

Боймурод қишлоғи аҳли, конимехликлар, «Нурота-Қизилқум биосфера резерватини ташкил этиш» лойиҳаси ходимлари қишнинг қоқ ўртасида, денгизнинг илиқ шамоли таъсирида унган ям-яшил майсаларни еб юрган альбинос туяни кўрдилар. Тахминан юз йилда бир маротаба бўладиган бу воқеадан ҳайратландилар. Ходимлар альбинос туяга алоҳида ғамхўрлик кўрсата бошладилар.

Гап шундаки, юқорида номи зикр этилган лойиҳа БМТ Ривожланиш Дастурининг 2006 йилда Ўзбекистондаги энг яхши лойиҳаси деб эътироф этилди.

Резерват ҳудуди жуда ҳам катта майдонни эгаллаган чўл ва тоғлар, денгизни ўз ичига олган бўлиб, биологик турларнинг хилма-хиллиги ҳамда ноёблиги билан аҳамиятлидир. Бу ҳудудлар Халқаро ва Миллий қизил китобга киритилган, арҳарлар яшаётган ер шаридаги ягона макон ҳамдир.

Ҳусан СУЛАЙМОНОВ,
«Туркистон-пресс»

ҲИКМАТЛАР САНДИҒИДАН

- Кўрликка кўнган, хўрликка кўнмас.
- Қорнимга йиғламайман — қадримга йиғлайман.
- Одамни очлик эмас, ор ўлдиради.
- Шавла кетса-кетсин, обрў кетмасин.
- Ориятсиз одамдан қоч.
- Ўз қадрини билмаган, эл қадрини на билсин.
- Душмандан қўрқма, хоиндан қўрқ.
- Ориятли киши зийнатли, зийнатли киши иззатли бўлади.

Тўпловчи:
Юнус ЗИЁДОВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 146
14282 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 21.30
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda

❖ **Интер-спорт**

БЕКХЭМ ҚЎПОЛЛИК ҚИЛМАГАНДА...

Футбол бўйича Испания чемпионатида майдонга тушган Мадриднинг «Реал» ҳамда Севильянинг «Бетис» жамоалари ўртасида ўтказилган учрашувда ҳисоб очилмади. «Реал» жамоаси таркибида Дэвид Бекхэм ҳам майдонга тушган эди. Лекин у тўп кирита олмади, аксинча, қўшимча вақтда майдондан чиқариб юборилди.

Гап шундаки, Бекхэм ўйин тугаши ҳақида ҳуштак чалинишидан олдин рақиблар жарима майдони атрофида йиқилиб ҳакамдан 11 метрлик тўп тепишини талаб қилган. Лекин ҳакам Сезар Мунис ўйинни давом эттиришга ишора билдирган. Шундан кейин Бекхэм ўзининг йиқилишига сабабчи бўлган Хосе Исидорога етиб олиб, унинг оёғига қўполлик билан тепган. Ҳакам эса бундай ҳолат учун Бекхэмга қизил карточка кўрсатган.

АБРАМОВИЧГА ШАРТ ҚЎЙМОҚЧИ

Лондоннинг «Челси» футбол клуби соҳиби Роман Абрамович бош мураббий Жозе Моуриньо билан музокара олиб бориш учун Англия пойтахтига ташриф буюрди. Португалиялик бу мураббий эса Абрамовичга жамоага янги футболчилар олиш йўл-йўриғи ҳамда ойликни кўтариш бўйича шартлар қўймоқчи. Акс ҳолда «Челси» билан хайрлашар эмиш.

Амалдаги шартномага кўра, Жозе 2010 йилгача клубга бошчилик қилиши кўзда тутилган. Ана шу шартномага мувофиқ у йилига 5,2 миллион фунт (7,75 миллион евро, 10,15 миллион доллар) олиши мўлжалланган. Айни пайтда Жозе энг яхши шароитлар яратилган ва юқори ҳақ тўланадиган мураббийлардан бири саналади. Шунингдек, Жозе Абрамовичдан жамоага янги ўйинчилар олиш масаласида аралашмасликни талаб қилмоқчи. Ҳозирча, Абрамович билан Моуриньо ўртасидаги музокаранинг қачон бўлиши ҳақида аниқ маълумот йўқ.

❖ **Кино тарихидан**

«ҚАФАСДАГИ ҚАЛДИРҒОЧ»

ЁХУД БИРИНЧИ ЎЗБЕК КИНООПЕРАТОРИ ХУДОЙБЕРГАН ДЕВОНОВ ҚИСМАТИ ҲАҚИДА

Миллий кино санъатимизнинг ўтмиши қизиқарли воқеаларга, ранг-баранг саҳифаларга бой. Маълумки, ижоднинг бу соҳасида наинки юртимиз, балки жаҳонга ҳам таниқли бир қанча истеъдод ва заковат соҳиблари фаолият кўрсатган. Лекин афсуски, тоталитар тузум аксарият ҳолларда улар қобилиятига ўз вақтида етарли эътибор қаратмаган, аксинча етук санъаткорларни имкон борича юзага чиқармасликка, хўрлашга ҳаракат қилган. Бу йўлда ҳатто айрим истеъдод соҳиблари аёвсиз таъқиб қилинган, кўп йиллик азоб-уқубатларга гирифтор қилинган.

Ўзбекистонда 1925-1962 йилларда фақатгина «Ўзбекфильм» студияси, кейинчалик иккита кино ишлаб чиқариш ширкати фаолият кўрсатган. Мазкур даргоҳлар катта маблағ, техника, ижодий гуруҳнинг меҳнати билан боғлиқ бўлганлиги боис улар мунтазам назорат остида ушланган, айрим сценарий ва фильмлари эса тақиқланган. Шунга қарамай, киноижодкорлар мукаммал асарлар яратиш устида тинмай изланган, бу йўлда эътиборли ютуқларга эришган.

Ана шундай кино фидойиларидан бири Худойберган Девоновдир. Аслида бу инсон ҳақида бугунги кунда кўплаб маълумотлар мавжуд, унинг миллий киномиз шаклланишидаги меҳнатлари сўзсиз эътироф этилади. Шундай бўлса-да, бу жафокаш инсон ҳаёти билан боғлиқ айрим тарихий лавҳалар ҳозир ҳам ўрганишга лойиқ.

Таниқли кинооператор замон ситамларига қарамай, илк маротаба Хоразм воҳасининг ўша пайтдаги кўринишини кино тасмасига муҳрлаганди. Юз йиллик тарихга эга бўлган ушбу лавҳалар ҳам эстетик, ҳам тарихий, ҳам маърифий аҳамияти жиҳатдан тенгсиз ҳисобланади.

1878 йилда туғилган Худойберган Девонов дастлабки кадрларни 1900 йил баҳор ойларида суратга олгани ҳақида тахминлар бор. Табиийки, рус кинематографиясининг илк кадрлари пайдо бўлгунга қадар ўзбек оператори талайгина киносюжетлар, ҳаётий лавҳалар яратган. Минг афсуски, бу шахс ҳам ўтган асрнинг 30-йилларида кўпгина ўзбек зиёлилари қатори қатағонга учрайди. Натижада унинг ҳаёти ва ижодига тегишли ҳужжатлар, жумладан, олган фильмлари йўқ қилиб ташланади.

Шу ўринда бу маълумотлар қаердан олинди-ю, улар қай даражада ўрганилган, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Таъкидлаш керакки, машҳур кинооператор ҳақида Тошкент ҳамда Москвадан топилган ҳужжатлар ва улар асосида яратилган «Қафасдаги қалдирғоч», «Худойберган Девонов» деб номланган ҳужжатли фильмлар мавжуд бўлиб, булардан киномухлисларимиз яхши хабардор. Биз эса бу ўринда Худойберган Девоновнинг ҳаёти билан боғлиқ яна бир қизиқарли маълумот хусусида илк бор ҳикоя қилмоқчимиз.

Илёс Акбаров (отам) бир куни Худойберган Девонов ҳақидаги хотираларини сўзлаб берган эдилар. *«Хоразмга мусиқа экспедециялари уюштирилганида Девоновнинг Хивадаги хонадонида бир неча маротаба бўлганмиз. Шинамгина меҳмонхонада бизни (экспедиция раҳбари, композитор, этнограф В.Успенский билан бирга эдик) Худойберган отанинг ўзлари кутиб олдилар. Чамаси 1928-1930 йилларнинг ёз ойлари эди. Катта тугун олдимизга қўйилди, дамланган чой келтирилди. Мезбон эса хонадан чиқиб кетди. Уни қайтиб киришини, тугунни ечиб, дастурхонни очишини роса кутдик. Анча вақт ўтди. Биз эса «Очил дастурхон» эртагини эслаб, ҳазиллашиб ўтирдик. Бир маҳал хонага кириб келган Худойберган ака:*

«Тановул қилмай ўтирибсизларми!? Бизда мезбон дастурхонни ёзиб қўяди, «олинг, еб ўтиринг» ҳам демайди. Аксинча хонадан чиқиб кетади. Меҳмон эса уялмай, тортинмай ноз-неъматлардан тановул қилиши керак», — деб нонни ушатди, чой қуйди.»

Кейинчалик отам менга «Хоразмга бориб, шу одам ҳақида маълумот йиғмайсанми?», деб қолдилар. Ўша пайтда аспирантурада ўқирдим. Бу таклиф жуда маъқул бўлди. Отам Урганчдаги бир мусиқа мактабининг директори Оллаберганов деган одамга хат ёзиб берди. Уни олиб Хоразмга йўл олдим. Ўша киши билан Хивадаги Худойберган Девонов хонадонига борганимизда, уйни қаровсиз ва ночор бир аҳволда кўриб ачиниб кетдик.

Кино тасмалари қайта ишланадиган хонанинг дераза-си йўқ, шипдан чакка ўтарди: Бекажон Отажонова (операторнинг умр йўлдоши) марҳумни эслаб келганимизни билгач, йиғлаб юборди. Ўшанда бу муштипар аёл Девонов ҳақида кўпгина қизиқарли гапларни айтиб берган эдилар. Шундан сўнг сочилиб ётган, чанг босган қоғозларни ўрганишга киришгандик.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай яна Хивага бордим. Бекажон Отажонованинг хотираларини кинотасмага муҳрлаб, унинг эсдаликларини «Худойберган Девонов» деб номланган фильмимизга киритдик.

Шундан сўнг бу ижодкор ҳақидаги мақолам Москвада эълон қилинди ва бора-бора кўпчиликда унинг шахсига нисбатан қизиқиш ортди. Биринчи очеркимни ёзиб, «Шарқ юлдузи» журналига топширганимда, журналнинг ўша пайтдаги бош муҳаррири Асқад Мухтор шундай эътироз билдиргани эсимда:

«Худойберган Девонов французлардан кино сирларини ўрганган, аппаратларни ҳам улардан сотиб олган» дебсиз. Бу ҳолда очеркни чиқариб бўлмайди... Унга Москвадан ўрганган, деб ёзинг» дедилар.

Шундай қилиб очерк бош муҳаррирнинг биргина тузатиши билан «Шарқ юлдузи»да эълон қилинди. Кейинчалик Красногорёк, Белые столбы (Москва вилояти), Тошкент давлат ва собиқ НКВД архивини ўрганиб, Худойберган Девоновнинг айрим кадрларини топиб, янги маълумотларни теле ва киноэкран орқали, шунингдек, рисола ва тадқиқотларда имкон қадар таҳлил қилишга уриндик. Бу ҳақда кейинроқ яна ҳикоя қилиш ниятидамиз.

Ҳамидулла АКБАРОВ

Хива шаҳрининг умумий кўриниши. (Худойберган Девонов фотоси)